



O'ZBEKISTON OVOZI

● 2011-yil, 8-noyabr. Seshanba ● 134 (31.410)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

● www.uzbekistonovozi.uz

Ўзбекистон — Венгрия: Ҳамкорликнинг янги уғлари

■ Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифи биноан Венгрия Республикаси Президенти Пал Шмитт 6 ноябрь куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 7 ноябрь куни Кўксаройда Венгрия Республикаси Президентини расмий кутиб олиш мосими билан бошланди. Масросими икви давлат расмий делегациялари аъзолари, мамлакатимизда аккредитация қилинган дипломатик миссиялар ва халқаро ташкилотлар ва колатхоналарининг раҳбарлари иштирок этиди.

Олий мартағабали меҳмон шарадига фахрий қоровул саф торти. Ислом Каримов ва Пал Шмитт шоҳсуга кўтарилилар. Икки мамлакатнинг давлат мадхиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдила.

Икки томонлама музокаралар Ислом Каримов ва Пал Шмиттнинг тор доирадаги учрашуви билан бошланди.

Мулоқот ҷоғида Ўзбекистон ва Венгрия Президентларининг ушбу учрашуви 2010 йилнинг сентябрь ойидаги Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркда бўлиб ўтган Мингиллик ривожланиши мақсадларига багишланган саммити доирасида бўлган самара музокараларининг мантиқий давоми эканинг тайёдиди.

Давлатимиз раҳбари Венгрия Президентининг Ўзбекистонга расмий ташрифи икки томонлама муносабатлар таридига мухим босқич, бугунги тез ўзгарувчан замон шароитиди мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манбаатдорликка асосланган кенг қўллами ҳамкорлик ва шерликий ривожига амалий суръат баҳш этиши учун яхши имконият эканини тъқидлади.

Ўзбекистон мамлакатларимиз ўртасидаги кўптомонлама муносабатларни фаоллаштириш ва мустаҳкамлаш тарафдоридир. Бунинг учун катта салоҳият мавжуд. Жумладан, Ўзбекистон Марказий Осиёда, Венгрия Марказий Европада стратегик мухим ўрнинг эга.

Мамлакатимиз Венгрия билан муносабатларни, шунингдек, Европа Иттифоқи доирасида яна-

(Давоми 2-бетда.)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ 2011 ЙИЛНИНГ ТЎҚҚИЗ ОЙИДА ИЖТИМОЙ- ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Таркибий ўзаришларни чукурлаштириш жаёнини давом эттириш, ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг мухим устувор йўналишларини, 2011-2015 йилларда Ўзбекистон иқтисодиётida ислоҳотларни чукурлаштириш ва уларнинг кўлумини кенгайтириш дастурининг амалга оширилиши жорий йилнинг тўққиз ойидаги иқтисодий ўсишини асосий кўрсаткичларини жадал ва мувозанати ривожлантириш имонини берди.

I. Асосий макроиктисодий кўрсаткичлар
2011 йилнинг тўққиз ойидаги ялпи ички маҳсулот ўсиши 8,2 физиги ташкил килди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш хажмини 7 физиг, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини 6,8 физиг, инвестициялар хажмини 8 физиг, курилиш ишларини 8,1 физиг, чакана савдо айланмасини 16,2 физиг, ахолига пуллик хизмат кўрсатишни 14,2 физига ошириш хисобидан иқтисодий ўсишининг юкори кўрсаткичлари

таъминланди. Экспорт ҳажми 21,4 физига кўйлайди, ташки савдо балансининг ижобий салдоси 3,8 миллиард доллардан ошиди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,4 проц профицит билан бажарилди.

2011 йилнинг тўққиз ойидаги Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иктисодий ривожланшигининг асосий кўрсаткичлари

(2010 йилнинг шу даврига нисбатан физиг хисобида)

Кўрсаткичлар	Ўшиш сурʼатлари
Ялпи ички маҳсулот	108,2
Саноат маҳсулотлари	107,0
Истоҳом товарларини ишлаб чиқариш	111,4
Чакана савдо айланмаси	106,8
Пуллик хизматлар	116,2
Экспорт	114,2
	121,4

(Давоми 3-бетда.)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИННИГ 2011 ЙИЛ 8 НОЯБРДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛарНИНГ СўМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ

1 Австралия доллари 1833,44
1 Англия фунт стерлинги 2834,64
1 БАА дирхами 481,70
1 АҚЦУ доллари 1769,22

1 Миср фунти 296,45
1 Канада доллари 1739,30
1 Хитой юани 278,89
1 Малайзия рингити 568,61

1 СДР 2792,22
1 Туркия лираси 1004,33
1 Швейцария франки 1980,54
1 Евро 2453,05

10 Жанубий Корея вони 15,87
10 Япония иенаси 226,42
1 Россия рубли 57,36
1 Украина гривни 221,69



* Валюта қийматини белгилаш ҷоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиши мажбуриятини олмаган.

Аҳоли бандлиги ва ижтимоий муҳофаза



Муродбек ЗИЕ олган сурʼатлар



Кишлоқларда янги иш ўрни:

яратувчилик ва бунёдкорлик йўлидаги масъулият

■ Ҳар бир инсон ҳалол меҳнат ортидан оиласи тўқислигини таъминлашни, ўзи ва интилиши орқали орзу-ниятига эришишни, айни ҷоғида шу ёзгу мақсад йўлида билим-малакаси ва ҳунари билан эл-юрт равнақига хисса кўшишини истайди, албатта. Қанча кўп одам иш билан бандар бўлса, жамиятимиз тараққиётiga улуш кўшадиган, кўпчиликка нағи тегадиган, энг мухими, бунёдкор фозиларни амалга оширадиган кишилар сафи шунча кенгайди. Ватанимиз келажаги порлоқ бўлишида бу нақадар мухим эканини бугун кўпчилик яхши англайди.

«Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги» Ўзбекистон Республикаси Конунида кишиларнинг межнат ва тадбиркорлик ташаббусини кўллаб-куватлаш ва рағбатлантириш, улар меҳнат килиши ва яхши хаёт кечириши учун муносиб шароит яратиб берниш, унумли ва ижодий меҳнат

таяминлаш, кишиларнинг ўзи ишни очишига кўмак берниш, тадбиркорлик ташкилларни кўллаб-куватлаш сиёсатимизда етакчи ўрин тутоқда.

Ҳар йили янги иш ўрнилари ташкил этиши ва аҳоли бандлиги таъминлаш бўйича давлат дастури қабул килинмоқда. Мазкур дастур доирасида мутасадди вазирlik ва маҳаллий ҳокимликлар зиминасига ҳудудларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиши хусусиятларидан келиб чиқиб, кишиларни межнатта жал этиши, тадбиркорлик гоялари амалга ошиши учун шарт-шароит яратиб берниш ўта масульиятини вазифа сифатида юқланяти.

(Давоми 2-бетда.)

ЎзХДП: электорат манфаати

■ Бувайда тумани маркази Янгиқўрон шаҳарчасида иш олиб бораётган «Прометей» марказининг «Соглом авлод бўламиз» лойиҳаси Олий Мажлис ҳузырдаги Нодавлат нотижорат ташкилларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларни кўллаб-куватлаш жамоат фондининг грантига сазовор бўлди.

Хеч ким эътибордан четда эмас

— Мамлакатимизда ногиронларнинг ҳаётда ижтимоий фаоллигини оширишга катта эътибор каратилган, — дейди марказ раҳbar Сайдуринса Холиковса. — Айниқса, нутқидан нутқони бор болалар учун телевидение орқали кундадик ахборотлар имо-ишора (сурду таржима) усулида намоноштадиган. Хозирингунда таъминлашадиганда 36 та мактабгача таълим мусассаси мавжуд бўлиб, улардан биттаси махсус согламлаштириш йўналишида. Шу бош ҳамда яхши айланарни келиб чиқиб, кишиларни межнатта жал этиши, тадбиркорлик гоялари амалга ошиши учун шарт-шароит яратиб берниш ўта масульиятини вазифа сифатида юқланяти.

(Давоми 2-бетда.)

Самимий қутловлар

Муборак Курбон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига катор хориж мамлакат ва халқаро ташкиллар раҳбарлари номидан самимий қутловлар кельмоқда. Уларда давлатимиз раҳбарига мустаҳкам соғлик, муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик, хотиржамлик, тараққиёт ҳамда фаронвонлик тилад, ёзгу ва самимий истаклар билдирилган.

Жумладан:

Америка Кўшма Штатлари Президенти Барак **ОБАМА**;

Бирлашган Араб Амирликлари Президенти **Шайх Халифа бин Зоид ОЛ НАҲАДЕН**;

Иордания Подшоҳи **Абдуллоҳ Иккинчи бин Ал-ХУСАЙН**;

Марокаш Подшоҳи **МУҲАММАД VI**;

Туркманистон Президенти **Гурбангули БЕРДИМОҲАМЕДОВ**;

Озарбайжон Республикаси Президенти **Илҳом АЛИЕВ**;

Тоҷикистон Республикаси Президенти **Имомали РАҲМОН**;

Малайзия Бош вазири **Датук Сери Моҳд Ножиб Тун АБДУЛ РАЗЗОҚ**;

Фаласин азодлик ташкилоти Ижроя кўмитаси раиси, Фаласин миллий маъмуриятни раиси **Махмуд АББОС**;

Америка Кўшма Штатлари давлат котиби **Хиллари КЛИНТОН**;

Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири, Дубай Амирликлиги хокими **Шайх Мухаммад бин Рошид ОЛ МАҚТУМ**;

Ислом ҳамкорлиги ташкилоти Бош котиби **Акмалиддин ЭҲСОНУҒЛИ**;

Кавказ мусулмонлари бошкармаси раиси **Шайх-ул-ислом Оллоҳшукур ПОШАЗОДА** ўз табрикларини ўйллаганлар.

Кутловлар келиши давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

**Ш.М.Фаниевни
Фарғона вилояти
ҳокими вазифасини
бажарувчиси этиб
тайинлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасида мувоғи;

Шуҳрат Мадаминович Фаниев Фарғона вилояти ҳокими вазифасини бажарувчиси этиб тайинлансан.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2011 йил 7 ноябрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

**Ҳ.Ҳ.Нематовни
Фарғона вилояти
ҳокими
лавозимидан
озод этиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига мувоғи;

Ҳамиджон Холикович Нематов Фарғона вилояти ҳокими лавозимидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри

Болалар спорти



Футбол

Ёшларимиз Осиё чемпионати финал босқичига

йўлланмани кўлга киритиши!



Бугун Техронда футбол бўйича ёшлар ўртасида Осиё чемпионати «С» гурӯҳи саралаш мусобақалари ниҳоясига етади.

Унда қатнашган Ахмаджон Мусаев мураббийлик қилаётган ёшлар терма жамоамиз ўз олдиларига кўйилган вазифани муддатидан илгари уддалашиб. Ёшларимиз дастлаб покистонликларни 3:0 хисобида мағлубиятга учратгач, кейин навбатма навбатма Хиндистон ва Туркманистон футболчиларидан бир хил — 2:1 хисобида устун келишибди ва 9 очко тўплаган ҳолда Осиё чемпионати финал босқичига йўлланмани кўлга киритиши. Охирги турда эронликлар билан бўладиган учрашув гурухда кайси жамоа биринчи ўринни эгаллашини аниқлайди, холос.



Эзгу интилишлар самараси

Мамлакатимизнинг барча худудларида қад ростлаган замонавий, барча шароитларга эга спорт мажмулари ўғил-қизлар билан гавжум. Улар бу ерда ўзи истаган спорт тури билан шугууланиб, саломатлигини мустаҳкамламоқда, тажриба ва маҳоратини ошириш баробарида халқaro майдонларда Ватанимиз шарафи ни муносиб ҳимоя қилиши қодир етук спортчилар бўлиб вояга етмоқда.

Ана шундай ёшларимиздан бири коракалпогистонлик Замира Алиевадир. Мустақилларимиз тенгдоши билган Замира ўн икки ёшидан спортнинг каратэ ша шотокан каратэ-до турлари билан шугууланди.

У ёшлигидан тажрибали мураббий, каратэ бўйича жаҳон кубоги соҳиби Рустам Казаков раҳбарлигида каратэ сир-асорини пухта эгалай бошлади. Спортирга мазкур яккаруш турлари бўйича ўтказилган шахар биринчиларидан, мамлакат чемпионатлари ва кубоги баҳсларидан бир неча бор голиб ва сорвирнорлар қаторидан жой олди.

Замира Алиева халқaro майдондаги ил ғаласига 2007 йили Тошкентда каратэ бўйича клублар ўртасида ўтказилган Марказий Осиё чемпионатида ёриди — мусобаканинг олтин медалини кўлга киритди. Ўза йили Малайзияда ўтказилган Осиё чемпионатининг катава кумитэ баҳсларидан иккى олтин ва битта кумуш медалга сазовор бўлди.

— Замира иродали, интилиувчан ва тиришқоқ киз, — дейди унинг мураббиси Рустам Казаков. — У ўз устида тинмай ишшайди. Бу унинг ёришаётган натижаларида ҳам ўз ифодасини томонкода.

Замира 2008 йили Италияning Жесола шахрида каратэ бўйича ўтказилган жаҳон чемпионати жамоавий кумитэ баҳсада кумуш, якка яким кумитэ беллашувида бронза медаль билан тақдирланди. 2009 йили Тошкентдаги Республика дизайн коллежини тутгади. Тикувчилик, зардўзлик, каштачиллик қизиқади. Ҳозир Коркаалпок давлат университетининг жисмоний тарбия факультетида таҳсил олаётди.

Ха, Замира сингари истеъодли ёшлар ўзларининг эзгу орзуларини амалди ошириш учун интилимкода. Бу мамлакатимизда ўш авлодни ҳар томонлама рафтаглантириш ва қўллаб-куватлашга қарашлаётган доимий ётибор самара-сидир.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
ЎзА мухабри.

Огоҳлик — давр талаби

Инсон қадри

Мамлакатимизда инсон шаъни, қадр-қиммати энг олий қадрият ҳисобланади. Ҳар бир киши ишланиш, ҳеч кимдан кам бўлмай яшши, мoddий неъматларга эга бўлиши учун барча ҳуқукий асослар яратилган. Факат бундан тўғри фойдаланиш, хаётни оқилона ташкил қилиш ҳар кимнинг ўзига боғлиқ. Аммо баъзан арзимаган қийинчиликлардан кўз юмиб, ўзини ўтга-чўқка уриш, осон йўл билан кун кўришига уриниш ҳоллари учраб туради.

Одамларни йўлдан ураётганлар одатда бўлажак курбонларни пул гўёви сувдек оқиб келувчи хорижи хона-донлар, ресторан ва меҳмонхоналардаги «блік» юмушига: энага, официант ёки оддийгина фаррош вазифасига тақлиф этишид. Беғубор, соддадил одамлар олиғорлар найранги-ю, улар тақлиф этиган бу «иш»лар ортида не сир-сироат ётгани, у сарбодан бўлак ҳеч нарса эмасли-

гина хаёлларига ҳам келтиришмайди.

Аслида одамфурушилк ол-ғирлар учун бойиш, чўнтақ қаптайтиришнинг энг осон йўлларидан бири эканини улар кәёдан билишин? Лекин нима бўлганда ҳам, инсан кези келганинда ўзини ўзи мухофаза эта олмоғи зарур. Ҳийла-найранга учмасликнинг бирдан-бир йўли — огоҳлик ва хўшёриклидир. Хорижига хуфя меҳнат бир кун

лашиш ҳакида етарли тушунчага эга бўлмай турлиб, сафарга отланади. БМТ маълумотларига кўра, одам савдисидан жабр кўрганларнинг 80 фоизи хотин-қизлар ва болапардан иборат. Ҳар йили жаҳон бўйича салкам 1 милион нафар аёл ва бола алдов йўлини сотиб юборилияти.

Одам савдисига оид жинонӣ хатти-ҳарракат кўпинча содда одамларни овлаш ҳамда ёллашдан бошланшиши эсда тутиш зарур. Бу жиркан қилимшина кўл урган фунсалар даставалоти, камхарж ёхуд маддага муҳтоҳ тоҳ оиласларининг балогат ёшига етган фарзандлари: қизлар, бевалар, ночор фуқароларни кўз остига олишида. Чунки бундайларни илк шакиботи қилиб боришига ҳам жазм этмайди. Улар факат хурлик ва ёхарот жон-жонидан ўтгач, пичоқ бориб суръига қадалгач, тегишилорни мурожаат қилишида.

Чет давлатта ўтиш кейнинг босқичда амалга ошиди. Ёлловчилик бу ишни яширичанга тарзда удалашади. Янги, сафар учун ҳужжатлар расмийлаштирилди, баъзан ёлланувчилар соҳида паспорт билан таъминланади. Кўпин-

ча соддадил курбонлар белгилантан манзилга бошқа транзит давлат орқали етказилди. Бу ерда уларни во-ситани ёхуд, ҳаридор кутиб олади. Жабрланувчилар аксарият ҳолларда манзилга бир неча ҳаридор орқали етиб боради. Воситачилар томонидан берилган қоп-қоп вайдаллар аслида алдов ва ўйдирмандан иборат эканина шу — охирги манзилда ошкор бўлади.

Буни ҳатто ҳаёлига кептирмаган, хорижда ҳаёт нима эканини билмаган жабдийдадалар қаршилик кўрсатишга ҳам охизлик қилишади. Турни воже-бахоналар остида паспорти тортиб олинган фуқароларни кўз остига олишида. Чунки бундайларни илк шакиботи қилиб боришига ҳам жазм этмайди. Улар факат хурлик ва ёхарот жон-жонидан ўтгач, пичоқ бориб суръига қадалгач, тегишилорни мурожаат қилишида.

Инсон учун хўрланишдан ортиқ азоб йўк. Ҳулоса шуки, одамнинг одам томонидан тор шахсий манфаат ва бе-

мехнат мол-дунё ортириш мақсадида алдов ёки дўкпўиси йўли билан сотиб юборилиши, ўша фуқаронинг шавни, инсоний гурури топталиши, эзилиши ва зўрланиши одам савдосининг жирканн кўрнишишидир.

Ўзбекистон Конституцияси ва қонунлари шахснинг эркинлиги ва даҳхисизлигини кафолатлайди. Аммо ўз ҳаҳкуқини билиш ва ундан фойдаланиш ҳар кимнинг ўз кўлида. Инсонпарвар конунчилигимиз талаблари асосида ўз эркини асрар олган кишининг турмushi ҳамиши тинни ва осуда кечади. Енгил-елли ҳоҳи ювасга берилиб, хушёриклини илкдан чиқаргандар эса юқоридаги каби кора кунларни гирифтор бўлади. Давлатимиз томонидан яратилган шароит ва имкониятлардан фойдаланиб, инсонга берилган ҳаҳкуқларга суняниб, қадр-қиммати билиб, эъзозлаб ўтишаган одам ҳеч мажал бундай кўргиликка дуч келмайди.

Дармонжон ЗАРИПОВА

Газета сешанба, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirish bosisi faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 1146 10029 nuxsada bosisi
10029 nuxsada bosisi
Topshirish vaqtiga 21.00 O'ZA yakuni 00.20 Topshirish vaqtiga 03.00

Sotuvda erkin narxda

Болалар спорти

Ёш шахматчилар баҳси

Пойтахтимизда ўн ёшгача бўлган шахматчилар иштироқидаги «Олтин куз» болалар шахмат фестивали якунланди. Ўттиз нафарга яқин ўғилқиз баҳслашган турнир мамлакатимиз ёшлари ўртасида соглом турмуш тарзини тарбиб қилиш, ўш шахматчиларининг тажрибаси ва маҳоратини ошириш мақсадида ташкил этилди.

Швейцария усулида тўққиз партиядан иборат билган мусобакани мағлубиятни якунлаган Шамсиддин Воҳидов биринчи ўринни эгаллади. Тўққиз ёшли Шамсиддин тўққиз партиядан саккизасида ракебларини мот килди, бир маротаба дуранг ўйнади. Сўнгги учрашуда ўз ҳамшахари Абкар Ҳусанбоевдан устун келди.

Тошкент шахри шарафини химоя қилган янга бир ёш шахматчи Лазизбек Нурмухаммадов ҳам тўққиз партиядан саккизасида зафар килди. Бирор, иккинчи турда Ш.Воҳидовга имкониятни бой берди ва кумуш медаль билан кифояланади.

Чемпион билан дуранг ўйнаган ягона шахматчи — Тошкент вилояти вакили Шерзод Бекмуродов эса кучи учикдан жой олди. Шерзод мусобаканинг сўнгти турида асосий ракебатчиси навоийлик Ҳожиакбар Ҳожиқурбоновни мағлубиятга учратиб, очкалари сонини 6,5 тага етказди.

Қизлар ўртасида ёнг юкори ўрин мезбон шахматчи Мария Арефьевага наисбет этиди. Саккиз ёшли спортивчи тўққиз имкониятдан беш очко жамгарди. Мария тўққизини турда Беҳзод Латиповни мағлуб гардиган.

Сўнгги тур одидан навоийлик Марҳабо Норкуловада Марриядан ўзиб кетиш имконияти бор эди, лекин у охирги партиядада наманганлиг Шарофиддин Ҳакимовга юқтасида ва иккинчи ўринни эгаллади. Мусобакада 4,5 очко жамгарган тошкентлик Муниш Муродиллаева қизлар ўртасида учинчи натижанинг кайд этиди.

Зоҳир ТОШҲЎЖАЕВ,
ЎзА шархловчиси

ОБ-ХАВО 08-09.11. 2011

	БУГУН	ЭРТАГА
Тошкент	3°C	5°C
Самарқанд	3°C	5°C
Нукус	0°C	5°C
Карши	2°C	7°C
Урганч	3°C	5°C
Навоий	5°C	5°C
Фарғона	5°C	4°C
Буҳоро	3°C	5°C
Андижон	5°C	4°C
Наманган	5°C	4°C
Термиз	2°C	7°C
Жиззах	2°C	6°C
Гулистон	2°C	6°C
Тошкент вил.	2°C	6°C
Лондон	15°C	15°C
Париж	17°C	19°C
Москва	7°C	6°C
Мадрид	18°C	15°C
Пекин	16°C	16°C
Гонгконг	26°C	27°C
Рим	23°C	23°C
Анкара	14°C	13°C
Токио	24°C	24°C
Стокгольм	11°C	9°C
Кейтгаун	21°C	23°C
Кохира	24°C	25°C
Гавана	27°C	27°C
Вашингтон	17°C	16°C

Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаси Деконобод тумани хокими, партиядан халқ депутатлари туман Генгаси депутати Абдушурўсун Монновга онаси

Рӯёб ПАРМОНОВАнинг вафоти муносабати билан чукур таъзия изхор этиди.

Navbatchi:
Asor МО'МИНОВ
Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG'ATOV,
Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633



TAHIRIR HAY'ATI:

Ab